

АЛИМОВА Махфуза Фахруддиновна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Диншунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди
mahfuzaalimova@iia.uz

КАВКАЗ МИНТАҚАСИДА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР РИВОЖИ

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ РЕЛИГИОЗНЫХ ВЗГЛЯДОВ В КАВКАЗСКОМ РЕГИОНЕ

HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF RELIGIOUS VIEWS IN THE CAUCASUS REGION

Аннотация. Ҳар бир минтақа ўзига хос тарих, анъана ва урф одатларга, миллий ва диний қадриятларга эга. Кавказ минтақаси халқларининг ўзига хос ақидалари мавжуд. Минтақада турли тиллар ва тил оилалари мавжуд бўлиб, ҳудудда 50 дан ортиқ этник гуруҳлар яшайди. Кавказ халқлари оғзаки адабиёт бой ва ранг-баранг, турли сюжет ва жанрлар, нарт достони, қаҳрамон нартлар ҳақидаги афсоналар мавжуд.

Таянч иборалар. Кавказ, афсона, нарт, Сатанай, Тха, эътиқод, минтақа, қадрият, черкес, грузин, христианлик, ислом.

Аннотация. Каждый регион имеет свою историю, традиции и обычаи, национальные и религиозные ценности. Народы Кавказа имеют свои верования. В регионе много разных языков и языковых семей, а также в регионе проживает более 50 этнических групп. Устная литература кавказских народов богата и красочна, есть разнообразные сюжеты и жанры, былины о нартах, сказания о нартах-богатырях.

Ключевые слова. Кавказ, миф, нарды, Сатанай, Тха, вера, регион, значение, черкес, грузин, христианство, ислам.

Annotation. Each region has its own history, traditions and customs, national and religious values. The peoples of the Caucasus have their own beliefs. The region has many different languages and language families, and there are over 50 ethnic groups living in the region. The oral literature of the Caucasian peoples is rich and colorful, there are various plots and genres, epics about Narts, legends about Narts-heroes.

Keywords. Caucasus, myth, backgammon, Satanai, Tkha, faith, region, meaning, Circassian, Georgian, Christianity, Islam.

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳоннинг этник харитасига эътибор қаратилса, дунёда микдори бир неча юз нафардан тортиб бир неча юз миллионни ташкил этадиган 2000 га яқин ҳар хил миллат ва элатлар яшаётганини кўриш мумкин. Турли халқлар билан мулоқот қилишда авваламбор уларнинг дунёқараши, урф-одатлари ва қадриятларини билиш катта аҳамият касб этади. Уларни билиш учун эса мазкур халқларнинг қадимги ва ҳозирги диний эътиқодларини ўрганиш талаб этилади. Зеро, миллатлараро бағрикенглик, улар орасида ўзаро ҳурмат ва дўстона алоқаларни ўрнатиш орқалигина дунёда барқарорлик, осовишталликни таъминлашга эришиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир минтақа ўзига хос тарих, анъана ва урф одатларга, миллий ва диний қадриятларга эга. Кавказ минтақаси халқларининг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан бир-бирига зид ҳам келиши мумкин. „Кавказ“ номининг келиб чиқиши бўйича турли қарашлар мавжуд. Айрим фаразларга кўра, у Қора денгизнинг жанубий соҳилида қадимда яшаган „Кавказ“ халқининг номидан олинган. Мазкур атамаси дастлаб мил. ав. 479 йилда юнон драматурги Эсхилнинг „Занжирбанд Прометей“ трагедиясида келтирилган. Минтақада турли тиллар ва тил оилалари мавжуд бўлиб, ҳудудда 50 дан ортиқ этник гуруҳлар яшайди. Шимолий ва жанубий Кавказ халқлари асосан шиа ва сунний мусулмонлар, шарқий православ христианлар ёки арман насронийларидир [6].

АСОСИЙ ҚИСМ

Христианлик Кавказга милоднинг биринчи асрларида кириб кела бошлади. IV асрда арманлар ва грузинлар орасида тарқалган. Арманлар черкови асосчиси архиепископ Григорий номидан «Арман-Григориан» номини олган. Дастлаб, арман черкови Шарқий православ Византия йўналишига амал қилган бўлса, VI асрнинг бошидан мустақил бўлиб, Исо Масихнинг фақат битта «илоҳий» табиатини тан олувчи монофизит таълимотини қабул

килади. Арманистондан христианлик Жанубий Доғистон ва Шимолий Озарбайжонга - VI асрда Албанияга етиб боради. Бу даврда Жанубий Озарбайжонда зардуштийлик кенг тарқалган, оловга сиғиниш културлари катта ўрин тутган эди.

Грузия ва Византиядан христианлик абхаз ва адиге қабилалари, чечен, ингуш, осетин ва бошқа халқларга ёйилган. Кавказга ислом дини VIII асрда араблар билан кириб келди. Мўғул босқинидан кейин Озарбайжон ва Доғистон халқлари, XV асрда турклар истилосидан кейин Абхазияда ислом тарқала бошлаган. Ислом динини ривожланишида турк султонлари ва Қрим хонлари катта ўрин тутганлар. Бироқ христианлик ҳам, ислом ҳам Кавказ халқларидан қадимги маҳаллий эътиқодлари, яъни дарахтларга сиғиниш, табиат ҳодисалари, олов ва бошқаларга топиниш билан боғлиқ қарашларни сиқиб чиқармади, уларнинг кўпчилиги христиан ва мусулмон маросимларининг ажралмас қисмига айланди [1; 234].

Кавказ халқлари оғзаки адабиёт бой ва ранг-баранг, турли сюжет ва жанрлар, эпик достонлари билан ажралиб туради. Шимолий Кавказда осетинлар, кабардлар, черкеслар, адигейлар, қорачайлар, болкарлар, абхазлар орасида нарт достони, қаҳрамон нартлар ҳақидаги афсоналар мавжуд.

Грузинларда қадимги худолар билан курашган ва бунинг учун қояга кишанланган қаҳрамон Амирани ҳақидаги достон; шох Абесалом ва чўпон Этерининг фожиали муҳаббатига бағишланган “Этериани” романтик достони машҳур. Арманлар орасида халқни кулдорларга қарши курашга чорлаган “Сасуниялик баҳодирлар” ёки “Сасунлик Довуд” достони кенг тарқалган [7; 12].

Вайнах диний қарашлари - нах халқларининг полиетник эътиқодлари, исломгача бўлган даврда табиат кучларини илоҳийлаштириш, аجدодларга сиғиниш, анимизм, антропоморфизм, шаманизмга асосланган диний эътиқодлар кенг тарқалган. Диний ҳаётда руҳонийлар, фолбинлар, табиблар ва жодугарлар муҳим рол ўйнаган. Ушбу эътиқодлар вақт ўтиши билан Вайнахлар мифологияси, фолклор ва «Нарт эпоси»ни шакллантирган.

Нарт достони Кавказ халқлари: кабардлар, черкеслар, адигелар, осетинларнинг эпоси

бўлиб, у абхаз, болкар, қорачай, ингуш, чеченларга ҳам маълум. Достоннинг акс-садолари сванлар, грузин тоғ қабилалари ва Доғистон халқлари орасида учрайди. “Нарт” атамаси ўзига хос қаҳрамонлар жамоасининг умумий номи сифатида ҳам қўлланилган. Нартларнинг аждоди, баъзи версияларга кўра, эгизаклар Хсар ва Хсартагнинг отаси Варҳаг ҳисобланади.

Нарт эпоси генезиси ҳали аниқ бўлмай, милoddан аввалги VII-IV асрлардаги скифлар даврига оид қадимий Алания эпик цикли ядро бўлиб хизмат қилган. Эпос қаҳрамонларининг кечинмалари осетин, абхаз, ингуш, чечен ва бошқа Кавказ халқларида турлича. Достоннинг миллий вариантлари маҳаллий халқ оғзаки ижоди билан бойитилган. У бугунги кунгача ўзининг ҳаётийлигини сақлаб келмоқда. Осетия, Кабарда, Адигея, Абхазияда ўнлаб ҳикоячилар нартлар ҳақида қўшиқлар куйлашади [6; 102].

Осетин ва черкес нарт эртаклари бошқа миллий вариантлар кейинроқ XIX-асрнинг ўрталаридан бошлаб ёзила бошланди. Абхазия нарт афсоналари фақат сўнгги ўн йилликларда маълум бўлди.

Тадқиқотчилар орасида “нарт” сўзининг келиб чиқиши борасида яқдил фикр йўқ. Биринчи гуруҳ: Эроннинг “нар” (эркак) сўзи билан ўхшашликларни кўришади; иккинчиси осетинча “нæ арт” (бизнинг оловимиз)дан олинганини таъкидлашади; учинчи гуруҳ эса нартни қадимий ҳинд илдизи “нрт” (рақсга тушиш) билан боғлашади. Тадқиқотчи В.И.Абаев “нарт” сўзи мўғулча “нара” - “қуёш” ўзагига бориб тақалади, деб таъкидлайди.

Осетия версиясида нартлар учта фамилияга бўлинган: Ахсартагкат, Борат ва Алагат. Бунда биринчилари – жангчилар, уларнинг оиласи бой эмас, лекин улар куч ва жасоратга эга. Иккинчи клан Бората, улар доимо Ахсартагкатнинг душмани, улар бой, аммо улар Нартларнинг ўлимига сабаб бўлганлар. Алагатлар эпосда камдан-кам учрайди, Алагата образи маросимлар учун зарур бўлган барча маросимларни сақловчи этиб тасвирланади, руҳлар ва худоларга бағишланган байрамлар уларсиз ўтмайди.

Нарт афсоналарининг асосий белгиларидан бири - Сослан (Сосруко). Барча кавказликлар учун бу тошдан туғилган нарт. Осетин афсоналарида Сослан юнон афсоналаридан

Ахиллес билан ўхшашликка эга. Ахиллесда фақат тўпиғи (товони) заиф бўлиб, қолган танаси дахлсиз эди. Осетиялик Сосланнинг тиззалари заиф эди. Афсоналарда заиф нуқтага берилган зарба натижасида иккаласи ҳам вафот этади. Худди шундай фитна кўплаб хинд-европа халқлари орасида ҳам учрайди [7; 11].

Осетин афсоналарида дарё бўйида Сатанайни учратган чўпон ва уларнинг ўзаро муҳаббати натижада шу жойдаги тошдан Сосруко туғилган. Бошқа вариантда темирчи Курдалагон тошни синдириб, унинг орасидан гўдакни олиб чиқди. Сатанай Сосрукога исм қўйиб, уни тарбиялайди.

Сатанай (адигхе. Сетенай, осетин. Сатана) Нарт достонларининг Шимолий Кавказга хос образи. У - Нартларнинг онаси, унумдорлик маъбудаси, кўпинча “ақлли аёл” сифатида тасвирланади. Сатанай юнонча Деметранинг кўплаб хусусиятларини такрорлайди.

Черкесларнинг қадимги монотеистик эътиқоди бўлган ҳамма нарсанинг яратувчиси Тҳа, Тҳашхо (Тхе, Тхешуе) ҳисобланган. Тҳа - оламни яратган, инсонга билиш имкониятини берган, дунё ва унинг қонунларини яратувчиси саналган. Тҳа кундалик ҳаётга аралашмай, инсонга танлов эркинлигини беради. Тҳа ҳеч қандай тасвирга эга эмас, у ҳамма жойда мавжуд. Мадҳияларда Тҳа - “ҳамма ундан сўрайдиган, ўзи ҳеч кимдан сўрамайдиган”, “ягона умид манбаи”, “барча ҳақиқий неъматлар манбаи” деб тилга олинади.

Тҳага ҳурмат маросимлар орқали ифодаланади - Тҳэълэу (Тҳага илтижо), ибодат ва маросимларни амалга оширишда сунъий қурилма-бинолардан фойдаланилмаган. Маросимлар махсус жойларда ўтказилган, кўпинча бу чиройли боғлар - кесилмайдиган дарахтзор “Т” ҳарфи кўринишидаги белги билан белгиланган. Маросимларни оила бошлиқлари, қишлоқ оқсоқоллари бошқарганлар.

Черкес афсоналари ёзма манбаларда, хусусан, Арриан, Аристотел, Гиппократ, Плутарх каби қадимги ва кейинги давр муаллифларининг матнларида, шунингдек, черкеслар ва уларнинг аجدодларининг диний эътиқодларини ёритувчи қадимий йилномалар, ривоятлар, шеърлар, достонлар, турли таълимот ва кўрсатмалар, таржима адабиётлари, апокрифлардан ўрин олган.

Адиге фольклорини ўрганган тадқиқотчилар сифатида А. Гадогатл ва бошқалар танилган. Черкесларнинг тарихий ҳудуди археологик манбаларга бой: зиёратгоҳлар қазишмаларидан олинган ашёлар, бутлар топилмалари, маросим буюмлари, заргарлик буюмлари, бутпарастлик рамзлари, бут-санамлар ёки бутпарастлик қайд этилган ёзувлар, маъбуд ҳайкаллари қолдиқлари.

Милоддан аввалги 3 минг йилликдаги тарих ҳақида маълумот берган С.Н.Кореневскийнинг илмий ишлари катта аҳамиятга эга. Хусусан, Майкоп маданиятига оид бутпарастлик белгилари ва мажмуаларининг қуйидаги турлари аниқланган: ҳарбий ва ов рамзлари, мақбара рамзлари ва мадфанлар, поклаш маросимлари тасвири, эсхаталогик қарашлар ифодаси ва бошқалар. Бундан ташқари тилшунослик, қиёсий диншунослик ва бошқа халқларнинг мифологик мавзуларини ўрганишдан олинган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга [4; 125].

Черкес диний тизимининг муҳим элементи - бу ўз авлодларининг ишларини кўриш ва баҳолаш қобилиятига эга бўлган аجدодларнинг Рухларига (Псе) ишонишдир. Охиратда жисмоний азоб-уқубатлар ёки лаззатланиш (Ҳедрийе) тушунчаси йўқ - рухнинг ўзи олдида ва аجدодлар олдида ҳаёт йўлида тавба қилгани учун рухий мамнуният тушунчаси мавжуд. Шу сабабли, инсоннинг эр юзидаги ҳаёт кечиришдаги вазифаси - Рухнинг мукамаллиги - шарафни сақлаб қолиш (Напа), раҳм-шафқат намоён қилиш (Гушлегю), бегараз ёрдам бериш (Псапе)дан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблашганю Бу жасорат билан ўлимдан кейин инсон руҳи тоза виждон билан аجدодлар Рухига қўшилишга имкон беради (Напа Хужкле). Тҳага бағишлаб махсус қурбонлик маросимини ўтказганлар.

Агач-киши (“меша одам”, сўзма-сўз “дарахт одам” ёки “ўрмон одами”) - бу Балкар ва Озарбайжон мифологиясидаги образ бўлиб, болгар ва озарбайжон афсоналарида тоғ, ўрмонларида яшовчи руҳлар деб ҳисобланган. Улар ҳар икки жинсдаги тукли-жузли жонзотлар шаклида, маймун билан одам ўртасида кўринишга эга, ўтқир ёқимсиз ҳид тараладиган махлуқлар сифатида ифодаланган. Агач-киши озиқ-овқат қидиришда одамлар ташлаган кийимларни кийиб, тун бўйи боғ ва томорқаларга киради, деб ишонишган.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Агачкиши образи “Қор одам” ҳақидаги машҳур афсонанинг бир варианты.

Озарбайжон афсоналарининг айрим йўналишининг келиб чиқиши “Ўғузнама” эпик ёдгорлигида, ўғузларнинг қаҳрамонлик эпоси “Китаби Деде Коркуд” афсоналарида ётади. Уларда дастлабки туркий ғоялар ва Кавказда шаклланган архаик қарашлар ётади

Озарбайжон афсоналарида кенг тарқалган мифологик образлардан бири пари бўлиб, улар аждаҳо ва девларга нисбатан анча ижобий образ Пари оппоқ териси ва сочлари узун гўзал қизлар кўринишида тасвирланади. Парилар чиройли боғларда ва саройларда, сув ҳавзаларида яшайди. Пари шунингдек кушларга, каптарларга айланиб, бошқа мамлакатларга учиб кетишга қодир, деб билганлар. Озарбайжонларда парининг ўзига хос тури бор - сув пари (су пяриси), улар бошқа халқлардаги “сув бекалари”га монанд.

ХУЛОСА

Кавказ халқлари қадимги диний қарашларини ўрганишда мазкур минтақа тарихи, халқининг қаҳрамонона ўтмишини акс

этирувчи эпослар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, эпос қаҳрамонларнинг атроф-оламдаги ёвуз кучлар ва бузук ниятли одамларга қарши кураши баён этилган асарларни англади. Қадимги эпослардаги воқеа-ҳодисаларнинг талқини ва тасвир этилиш йўли ўша давр кишиларининг дунёқараши, эътиқоди, ишончлари ҳақида маълумот беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Словарь мифов / Пер. с англ. Ю.Бондарева. – М., 2000. – 432 с.
2. Кун Н.А. Легенды и мифы Древней Греции: историческая литература. - М., 2000. – 496 с.
3. Рассоха И.Н. Языческие религии и мифы народов мира: монография. – Харьков: Торанч, 2002. – 144 с.
4. Andrew Lang. Myth, ritual and religion. Biblioteca Virtual universal, 2008. -P.236.
5. Мэнь А. История религии: в поисках пути, истины и жизни. - М.: 2001.
6. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Kavkaz>
7. Kavkaz va Kavkaz xalqlari. N.S. Trubetskoy «Kavkaz xalqlari haqida» // <https://peskiadmin.ru/uz/narody-kavkaza-i-zakavkazya-n-s-trubeckoi-o-narodah-kavkaza.html>
8. Ибтидоий динлар ва мифология / М.Алимова. – Тошкент: Complex print, 2019.